



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 15 сентябрь, № 181 (4844)

Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуруллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 20 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуруллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) **Битимнинг 2-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шунинг билдирадигани, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратураси Битимни бажаришга масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгиланган»;

2) **Битимнинг 3 ва 4-моддалари** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси ҳамкорликни ўз миллий қонунчилигига зид келмайдиган қисми бўйича амалга оширадиган».

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 14 сентябрь
№ ЎРҚ—219

МИЛЛИЙ ДАСТУР ВА ИЖРО



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Табий тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тасарруфидоги таълим муассасаларидаги ижроси муҳокама этилди. Йиғилишда қайд этилган-

ларини ўтказишга мўлжалланган ёнги ўқиш техникалари, анжомлари, стадион ҳудудида янги спорт иншоотлари, ёнги ўқиш минораси ва навбатчилик қисми биноларининг мавжудлиги фикримиз исботидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

нидек, маъмур вазириликларга қарашли барча таълим муассасаларида ушбу ҳужжатлар бугунинг талаби даражасида бажаришмоқда. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Академиясида ички ишлар идоралари учун маълум кадрлар тайёрлаш ишларини янада яхшилаш, ўқув ва моддий базасини такомиллаштириш бўйича режа тузилган бўлиб, шу асосда бир қатор тадбирлар амалга оширилмакдир. Мисол учун, 2007 йилда Академия ўқув машғулотларининг сифатини ошириш ва таълим жараёнини жадаллаштириш мақсадида ўқув телевидениеси тизими ишга туширилган.

Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам ўқитиш сифатида жиҳдий эътибор қаратилаётган. Мактаб ўқитишнинг энг замонавий техник жиҳозлари билан тўла-тўқис таъминланган. Минг ўринли янги курсантлар ошонаси, жаңовар тайёргарлик машғулот-

Бундан ташқари, Мудофаа вазириликка қарашли олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси изчиллик билан таъминланмоқда. Жумладан, таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, олиб борилаётган илмий-услубий ишларни яхшилаш мақсадида яратилган электрон кутубхоналар курсантларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятларини янада оширишга хизмат қилмоқда. Муҳокама жараёнида эришилган аналитик натижалар билан бир қаторда, айрим камчиликларни хусусида ҳам сўз юритилди.

Йиғилишда, шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари атрофида муҳокама этилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Қишлоқ инфратузилмаси:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



СУРАТДА: қўرғазма иштирокчилари замонавий уй-жойлар лойиҳалари билан танишмоқдалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Пойтахтимиздаги «Узэкс-марказ» мажмуида бир ҳафта давом этган қишлоқ аҳолиси учун яққа тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган қўрғазмаси якунланди.

«Она-Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча одамзод учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади», дея таъкидлаган эди Президентимиз Ислам Каримов. Дарҳақиқат, қаерда яшамайлик, қайси касб-кор эгаси бўлайлик, ўзимизни қишлоққа дахлдор ҳис этамиз. Нега деганда, ҳаётимиз тўқис, турмушимиз фаровон бўлиши бевосита қишлоқ аҳолининг заҳматли меҳнати билан ўлчанади.

Жараён

Шу боис мамлакатимизда қишлоқларни ободонлаштириш, бу ердаги ҳаёт даражасини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга олиб чиқишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган. Натижада чекка ҳудудларда замонавий тураржой бинолари, мактаб коллежлар барпо этилаётган, саноат қишлоқ томон одимламоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиши, айтиш мумкинки, бу борадаги ишларни янги поғонага кўтарди. Шу номида Давлат дастурида белгиб берилгандек, асосий эътибор наинки қишлоқ ҳўжалиги тармоғини ривожлантиришга, энг аввало, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада андозалари даражасига мослаштиришга қаратилган. Бунинг биринчи шарты замонавий, барча шарт-шароитларга эга уй-жойлар барпо этишдир.

(Давоми 2-бетда).

Никос Бардуниас:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР БИРИНЧИ ГАЛДА ХАЛҚ ВА МАМЛАКАТ МАНФААТИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ»

Ўзбекистонда мамлакат мустақиллигининг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тантаналари хоржий сиёсий, иجتимоий, ишбилармон, эксперт-таҳлилий доираларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши давом этмоқда.

Италян тилидаги «BBC Monitoring Central Asia» ахборот агентлигининг ёзишича, Ўзбекистон ҳукуматининг Инқирозга қарши чоралар дастури жиҳдий натижаларга эришиши имконини берди. Таъкидланадигани, Ўзбекистоннинг тараққиёт-ий республика глобал молиявий инқироздан салбий оқибатларсиз чиқиб кетиши борасида мамлакат раҳбарияти сазй-ҳаракатларининг ҳаққоний ва тўғри эканини исботлади. Агентликнинг фикрича, 2009 йилнинг биринчи ярми якунига қўра, мамлакат янги ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳамми 9,1 фоизга, маҳсулотларнинг экспорти 13,4 фоизга ошди, ҳамда 500 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал пул даромади 25,9 фоизга кўпайди.

Агентлик Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг минтақада ва умуман, дунёда содир бўлаётган ҳаракатлар олдида ўз маъсулиятини англайдиган ўзбек халқи эркин ва мустақил миллат ҳисобланиши ҳақидаги сўзларини келтирди. «Ўзбекистон охириги йилларда мўражаб ва қийин йўлларни босиб ўтди, лекин ушбу мўражаб таъжирба Ўзбекистон халқини янада доворак ва иродоли бўли-

ши учун чиниктирди», дея таъкидланади. Италиянинг таниқли «Il Nuovo» ахборот-таҳлилий сайти Ўзбекистон Президентининг ҳукуматининг глобал молиявий инқироз оқибатларини енгиллаштириш ва уни бартараф қилиш чоралари ҳақидаги сўзларини эълон қилар экан, ижобий натижаларга, жумладан, мамлакат раҳбариятининг жаҳон таърибасини оқилоналик билан қўллаши ва ўз ичиди иқтисодий сиёсати натижасида эришилганини таъкидлайди.

Россиянинг «REGNUM Nowosti» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрамга бағишланган тантанали йиғилишида қилган нутқда «Биз ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсири юмшатиш устида бош котираётимиз, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқishi, жаҳон бозорига ўзимизнинг мустақам ўрнинимизни эгал-

лаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиҳдий иш олиб бормоқдамиз», дея таъкидлади.

«Биз шу йилнинг бошида 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳдатлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чораларни реал пул даромади 26,0 фоизга ўсгани бунинг яққол кўрсатиб турибди», деган сўзларини айнан келтирди. У иқтисодийни ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳдатлаш мақсадида жалб этилган инвестициялар ҳамми жорий йилнинг биринчи олти ойи мобайнида 32,7 фоизга ўсгани, шу жумладан, тўғридан-тўғри хоржий сармоялар 2,6 баробарга кўпайганини таъкидлади.

Киргизистоннинг таниқли нашрларидан бири «Вечерний Бишкек» газетаси «Тараққиётнинг ўзбек модели» мақоласида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1 сентябрда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида қилган нутқига шарҳларни чоп этди.

Жумладан, мақолада таъкидланадигани, «Эришилган қўра-кичирларнинг асосий омиллини бир қўнлик, тор мақсадларни ва манфаатларни қўзғабилган айрим давлатлардан фарқи улроқ, халқ ва давлатнинг давомли

Биз ва жаҳон

Тадбирлар дастури»ни қабул қилдик. Бу дастурга биноан, умумий қиймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган тўрт юздан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қўда тутилганининг ўзи бизнинг режаларимиз нақадар улкан ва жиҳдий эканининг далили, десак, асло муболага бўлмайдиган, дея таъкидлади Ислам Каримов. Шу ўринда, агентликнинг хабар беришича, Ўзбекистон ҳукумати томондан қўрилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳозирданқ ўзининг дастлабки, айни пайтда ишончли натижаларини бермоқда.

Ахборот агентлигини Президент Ислам Каримовнинг «Фақат 2009 йилнинг биринчи ярми якунларини оладиган бўлсак, шу даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва мутаносиб ри-

(Давоми 2-бетда).

Самарқандда 9-10 сентябрь кунлари «Фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР:

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Форумда Буюк Британия, Хиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Япония каби давлатлар ва қатор халқаро ташкилотлардан экспертлар, Ўзбекистондаги жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг амалга оширилиши ҳақида фикр алмашилди. Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатини демократик янгилаш ва модернизация қилиш, жумладан, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича республикамиз таърибасини муҳокама этди. Шунингдек, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамияти институтларининг демократик сайловларга тайёргарлик қўриши ва уларни ўтказишда иштироки масалалари ҳам батафсил қўриб чиқилди.

Халқаро форумда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига тайёргарлик қўриши жараёни, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг таҳлили мамлакатимизда амалга оширилаётган чўқур ва жадал демократик тўқ узғаришлардан далолат экани қайд этилди. Булажак сайлов фуқаролик жамияти институтлари фаолиги ортби бораятган бир шароитда ўтказилади. Бунинг 2008 йилнинг декабрида сайлов қонунчилигимизга киритилган ва


бутун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришга, кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда давлат бошқарувида қўнчилик, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўнчилар таъминлаши таъкидланди. Экспертлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринларини 120 тадан 150 тага қўйатириш, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та ўрин ажратиш, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтининг жорий этилиши ва қўнчиликчи қиритилган қўнлик янгиликлар мамлакатимизда демократик тўқ узғаришларни амалга ошириши сифат жиҳатидан янги даражага кўтариши ҳақида умумий фикр билдирди.

Мутахассисларнинг фикрича қўра, мамлакатимизда сиёсий партиялар ролини ошириш бўйича қўрилаётган изчил чора-тадбирлар, миллий сайлов қонунчилигини босқичма-босқич такомиллаштириш, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик қўриши ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни амалга ошириш бўлиб ўтадиган сайловларни демократия тамойиллари асосида ўтказишнинг муҳим омилга айланади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Жаҳон чемпионатида қатнашган терма жамоамиз аъзолари умумжамоа ҳисобида 133 мамлакат вакиллари орасида фахрли учинчи ўринни қўлга киритдилар.



Ўзбекистон бокс мактаби тарбияланувчиларининг турли халқаро мусобақалар, Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида совриндорлар сафидан мунтазам ўрин олиб келаётганини барчамизни гурурлантирмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай муваффақиятлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликларнинг ҳаётий самараларидир.

Шу йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам ўзбекистонлик «чарм ўзбек» усталари ҳеч қандай кам эмасликларини амалда яна бир қарра намойиш этиб, Ватанимизга медаллар шодаси билан қайтиб келди.

Маъқур нуфузли мусобақада 133 та мамлакатдан 554 нафар боксчи

иштирок этди. Бу бокс бўйича қатнашчилар сони жиҳатидан жаҳон чемпионатлари тарихидаги рекорд қўрсаткич ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, Пекин Олимпиадасида ҳам ушбу спорт турида иштирокчи давлатлар сони бу қадар кўп бўлмаган. Шунинг учун барча вазн тоифасида кураш, одатдагидан қўра, мурасимиз келди.

Биз учун қувончлиси, мусобақада ҳамюртимиз Аббос Атоев (75 кг.)

Фахр

(Давоми 4-бетда).



ҳаллаштиришда нималарга эътибор қаратиш лозим? Бундай уйлар тиклаётган аҳолига яна қандай имтиёзлар берилган? Барчани қизиқтираётган ана шундай саволларга пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуидида бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихти-

рини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Айни пайтда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, қимматли маслаҳатлар берди.

Кўрғазмага келган киши борки, барпо этиладиган қишлоқ уй-жойлари ҳақида тасавурлари бутунлай ўзгариб кетди. Чунки намоиш этилган лойиҳалар бўйича тикланадиган тураржойлар да намоиш этилди. Айниқса, қурилиш моллари билан жой олган ноанъанавий материаллар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Термопанеллар ана шундай ашёлардан биридир.

Иморатларни тез ва сифатли қуриш имконини берадиган бу материалдан бугунги кунда дунёнинг 130 дан тига кўрғазма давомиди қўллаб буюртмалар тушиди. Хусусан, улар жорий йилда республикамиз бўйича 700 та савдо дукони қуриб беришни зиммасига олган.

Мазкур кўрғазмада яна қўллаб замонавий қурилиш материаллари илк бор намоиш этилди. Улар билан нафақат соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик, балки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам яқиндан танишдилар.

Кўрғазмада ҳар бир минтақа, вилоятлар учун алоҳида ҳар жой ажратилиб, улар томонидан тайёрланган лойиҳалар тақдимоти ўтказилгани, турли мавзуларда семинарлар уюштирилгани айни муддао бўлди. Бу иштирокчиларнинг қурилиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар моҳиятини чуқурроқ англашига, жумладан, уй-жой қурилиши учун ер, кредит ажратилиши, намунавий лойиҳаларга ўзгариштириш, қурилиш материаллари сотиб олиш масалалари бўйича керакли ахборотга эга бўлишига хизмат қилди.

Шунингдек, кўрғазма доирасида вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, архитекторлар, қурилиш, транспорт, алоқа, коммунал хизмат соҳалари мутасаддилари, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, туманлар бosh мейморлари аттестациядан ўтказилди. Унинг натижалари бўйича, Қорақалпоғистон Республикасида келган 4, Сурхондарё вилоятидан 6, Тошкент вилоятидан 13, Фарғона вилоятидан 7, Хоразм вилоятидан 4 нафар раҳбар ҳодим аттестациядан ўта олмади.

Шунингдек, кўрғазма доирасида вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, архитекторлар, қурилиш, транспорт, алоқа, коммунал хизмат соҳалари мутасаддилари, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, туманлар бosh мейморлари аттестациядан ўтказилди. Унинг натижалари бўйича, Қорақалпоғистон Республикасида келган 4, Сурхондарё вилоятидан 6, Тошкент вилоятидан 13, Фарғона вилоятидан 7, Хоразм вилоятидан 4 нафар раҳбар ҳодим аттестациядан ўта олмади.

Қисқа қилиб айтганда, пойтахтимизда бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмаси бошланғич улан бунёдкорлик ишлари арафасидаги машаварат вазирлигининг ўтади. Ҳадемай, бу ерда амалда этилган лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилиб, қишлоқ аҳолиси учун шаҳарниқадар қолишмайдиган даражада турмуш шароити яратиб берилади. Амалга оширилаётган ислохотлар ана шундай эзгу мақсадларга йўрилган.

Саид РАҲМОнов, «Халқ сўзи» мухбири.

Никос Бардуниас:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР БИРИНЧИ ГАЛДА ХАЛҚ ВА МАМЛАКАТ МАНОФААТИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, узоқни кўра билиш, пухта уйланган сиёсий қарорлар қабул қилиш асосида амалга оширилган дастурлардан ахтариш керак».

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон раҳбарининг муваффақиятларининг яна бир муҳим омилни Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳеч қимдан андоза олмасдан, жаҳон тажрибаларини рад этмасдан, изчил равишда, халқимиз менталитетига мос бўлган, "Ўзбек модели" дея номланган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг тадрижий йўлини танлаганида экани, ушбу модель ўзининг асосли ва ҳаётийлигини бутун дунёни қамраган молиявий-иқтисодий инқирозга шариоитида яна бир бор исботлагани ҳақидаги сўзлари ҳам келтирилади.

Наўшар "Ҳаётнинг ўзи қабул қилинган ечимларнинг тўғри эканлигини исботламоқда — қачонки эски маъмурий-буйруқбозлик тузумидан янги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида улар "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун", "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаган" тамойилларига асосланган", деган фикрга алоҳида эътибор қаратади.

Грецияда нашр этилган "Кафимерини" газетасининг иқтисодий шарҳловчиси Никос Бардуниас Ўзбекистонда ўтказилган байрам шодоналарини муносабати билан қуйидаги фикрни билдирди:

"Ўзбекистон Президентининг "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган сўзлари шундан далolat берадики, мамлакатда иқтисодий янгиланишлари амалга оширишда, биринчи навбатда, халқ ва бутун мамлакат манфаатлари инобатга олинади.

Давлат раҳбари томонидан келтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти хусусиятларини ифodalовчи иқтисодий кўрсаткичлар бунинг яққол тасдиғидир".

Президент Ислам Каримовнинг маърузаси, моҳиятан, саноат ишлаб чиқарувчилари орасида зарарнинг ортшишига ҳамда иш ўринларининг қисқаришига олиб келадиган АҚШ ва Европа Иттифоқи каби қудратли иқтисодиётларга жиддий зарар етказиб қўйган пул-кредит тизимининг глобал молиявий-иқтисодий инқирози даврида давлат раҳбари ўз мамлакатининг бугуни ва келажagini идрок этишининг сиёсий, иқтисодий, миллий ва ахлоқий ифодаси ҳисобланади.

ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Х. Д'Орвилл:

— Президент Ислам Каримовнинг Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган табрик сўзини катта қизиқиш билан тингладим. Ушбу маъруза ўзининг лўндалиги ва мазмундорлиги билан фарқ қилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон, хусусан, унинг пойтахтининг замонавий тараққиёти учун кўп ишлар қилинди. Тошкент ҳақли равишда бой Марказий Осиё минтақасининг сиёсий, молиявий-иқтисодий ва маданий пойтахти ҳисобланади. Мен Президент Ислам Каримовнинг шахсан ташаббуси билан мамлакатда кенг миқёсли лойиҳалар амалга оширилганига, қўллаб иншоотлар қад ростлаганига ва зарур инфратузилма яратилганига шохид бўлганман. Президент Ислам Каримовнинг шахсан ташаббуси билан пойтахт юбилейга бағишлаб махсус барпо этилган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи мамлакат раҳбарияти юргизаётган сиёсатнинг навбатдаги ёрқин тимсолидир.

Ўзбекистонга амалга оширган таширфим

«Жаҳон» АА.

Қишлоқ инфратузилмаси:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик эпкини қишлоқларимизга ҳам янги ҳаво олиб кирди. Қишлоқ одамлари меҳнатига яраша яшаш шароитини яхшилашга, пишиқ гишдан уйлар солишга имкон топа бошладилар. Сира-сирани айтганда, одамларнинг таваққулидаги ўзгаришлар ҳаётга ўзгача нўғиз билан боқишга ундамоқда.

Президентимиз ташаббуси билан пухта уйланган, пишиқ ишланган механизм яратилган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига замон талабларига тўла жавоб берадиган уйлар тиклаш имконини берди. Гап шундаки, эндиликда аҳолининг уй-жой қуриш учун алоҳида вақт сарфлашига, қурилиш материаллари излаб, елиб-югуришларига ҳолат қолмади.

Буюртмачи вазифасини ўтовчи "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан шартнома имзолабди, холос. Тураржойлар танланган лойиҳа асосида қурилиб, "калити билан" топширилади. Саф-ҳаражатларнинг асосий қисми эса янги ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан молиялаштирилиши қишлоқ аҳолисига бўлган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Замонавий уйлар қандай бўлиши керак? Уларни лойи-

сослаштирилган кўрғазмада атрофлича жавоб олинди. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир замонавий уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материаллари намоишчилигига эмас, балки соҳа мутахассислари билан аҳолининг ўзаро фикр алмашиш майдони, таъбир жоиз бўлса, тармоқдаги муҳим воқеага айланди. Унинг иш қудалигига талаб ва тақлифлардан келиб чиқиб, қатор ўзгаришлар киритилгани ҳам шундан далolat беради.

Кўрғазмада Президентимизнинг шу йил 27 январдаги қарорига асосан ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти томонидан ишлаб чиқилган 31 хил уй-жойлар, 16 хил маиший иншоотларнинг намунавий лойиҳалари, бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар архитекторлари томонидан тайёрланган ранг-баранг ишланмалар намоиш этилди.

— Лойиҳаларимизнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади, — дейди институт директори Илёс Солиҳжоев. — Чунки уларда миллий меъморчилик анъаналари сақлаб қолиниб, замонавий рўқ сингдирилган. Иштирокчилар ўзига манзур ишланма макетлар олдида савтлаб туриб, уни ҳар томонлама ўргандилар, ўзла-

шаҳардагидек қулайликларга эгалиги билан ажралаб туради. Уларда инфратузилма тармоқлари, канализация, иситиш ва совитиш тармоқлари ечимини топгани эътиборга лойиқдир. Шунингдек, ёвзи ҳамда қишки ошхона ва ювиниш хоналари мавжуд, деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш имкониятлари ҳам яратилган.

Бундай замонавий лойиҳалар дастлаб Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, жорий йилда барпо этиладиган 42 та намунавий аҳоли пунктида татбиқ этилади. Яқна тартибдаги уй-жойларни кредитлаш манбалари аниқланиб, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватларнинг ишга туширилаётгани эса бунёдкорлик ишларини қисқа фурсатларда аяқунлаш имконини беради.

Кўрғазма мавзу жиҳатидан жуда кенг бўлиб, ўзида қишлоқ қурилишининг барча йўналишларини қамраб олди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари, уй-рўзгор буюмлари, ёнгли санат маҳсулотлари, мебоеллар, маиший техника ва қишлоқ ҳужалиги ускуналари кенг ҳажми-

ортик давлатида кенг фойдаланилади. Бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш мамлакатимизда биринчи бўлиб "Доиче Кабель" қўшма корхонасида йўлга қўйилди.

— Кўрғазма майдонидида қурилган мана бу 5 хонали уй термопанеллар ёрдамида кўтарилди, — дейди компания вакили Шоҳруҳ Қурбанов. — Буни 5 киши 5 кунда 840 килограмм термопанеллар ёрдамида барпо этишди. Термопанелларнинг ҳажми қарийб 3 квадрат метр бўлиб, уларни қансиз кўтариш, жойлаштириш, деворлар баландлигини 6 метргача етказиш мумкин. Бу материаллар асосида барпо этилган уйлар табиий офатларга, айтайлик, селга бардошлилиги билан ҳам ажралаб туради. Яъни уй "ўзини ўзи" кўтариб туради. Мабодо сув унинг пой-деворига жиддий зарар етказса ҳам, биного таъсир қилмайди.

Компаниянинг бу маҳсуло-

СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Асрор ЖўРАЕВ, Яқнабоғ тумани ҳокими:

— Бугун мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида аҳолининг, хусусан, қишлоқ аҳолининг турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Айниқса, жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастурининг амалиётга изчил татбиқ этилиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Қолаверса, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгариштириш мақсадидида шу йилнинг ўзидаёқ бир қатор қарорлар қабул қилиндики, бу ҳам қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш борасида янги саҳифа очиб берди. Масалан, Президентимиз томонидан жорий йилнинг 29 июнида "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни қўлайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналарга талайгина имконият ва имтиёзлар яратиб берган бўлса, 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислохотларни юқори босқичга олиб чиқди.

Бунини пойтахтимизда бир ҳафта мобайнида бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмаси мисолида ҳам қўришимиз мумкин. Жорий йилда туманимизда Давлат дастури доирасида 500 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши мўлжалланган. Айни пайтга келиб эса унинг 359 миллион сўмлиги ниҳоятга етказилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 12 та корхона фойдаланишга топширилди. Шунингдек, яқин кунларда хитойлик инвесторларнинг 120 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги сармояси ҳисобига том ёпиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга туширишни режалаштирилганими. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида уларга қулай нарҳларда қурилиш моллари етказиб бериш имконини ҳам яратди.

Жўрабой ҚўЛДОШЕВ, Боевўт туманининг "Дехқонбод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Замонавий уй-жойлар қурилиши учун қишлоқимиз ҳудудидан ер танланганини эшитиб, бир қувонган бўлсам, кўрғазмада қурилага уй-жойлар лойиҳалари билан танишиб, минг қувондим. Негаки, аввало, "Дехқонбод"даги юздан ортик оила республикамизда биринчилардан бўлиб ана шундай уй-жойларга яшаш имкониятига эга бўла-япти. Шунингдек, бу ерда маҳалла гузары, деҳқон бозори, озёк-овкат, саноат моллари дукони, маиший хизмат кўрсатиш уйи, миллий хўнарамчилик устанонаси, кичик стадион, волейбол ва баскетбол майдончалари барпо этилиши назарда тутилгангани айтмайсизми?

Лойиҳаларга қаранг, барчаси ўзига хос меъморий ечимга эга. Айниқса, уларда оиланинг ҳар бир аъзоси учун етарли шарт-шароит мўжайиб этилган, тўю маракаларнинг ўтказилишига қўйинчилик туғилмаслиги диққатга сазовордир. Ахир биз шу кунгача бундай уйни қуриш ва яшашни тасаввур ҳам қилмаганмиз. Бунга Юртбошимизнинг қишлоқ аҳолига бўлган ғамхўрлиги, эътибори, амалга ошираётган ишлари тўғрисида эришяёнимиз.

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУГМУРОВОВ ёзиб олди.



Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, хорижий экспертлар томонидан Концепциянинг бутун сайлов комиссиялари тизими ва сайлов жараёнига жалб этилган муассасаларнинг фаолияти сайлов давомидида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилиниши таъминлашга қаратилиши тўғрисидаги қодиса Ўзбекистон сайлов тизимининг юксак демократлиги намунаси сифатида эътироф этилди. Сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилган, фақат Марказий сайлов комиссиясига сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи орган ҳисобланади ва ҳеч қимнинг сайлов жараёнига аралашувига йўл қўйилмайди. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловларга тайёргарлик қуриш ва уларни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир. Буларнинг барчаси экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Давра сўхбати давомидида Ўзбекистон фуқаролик жамияти тизимида ўзига хос маҳалла институти алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мустақиллик йилларида ушбу институт нафақат қайта тикланди, балки мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, шу жумладан, ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ўтказишнинг фанал иштирокчисига айланди. Шу билан бирга, мустақил оммавий ахборот воситалари, чунончи, ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошди.

Экспертлар муҳокама яқини бўйича мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларнинг очқилиги, ошқоралиги ҳамда транспарентлигини таъминлаш учун барча чоралар қўрилгани ҳақида яқдил фикр билдирди.

Давра сўхбати ниҳоятга етган, ўза мухбирлари унинг айрим иштирокчиларидан интервью олди.

Муҳаммад Асиф Нур, «Diplomatic Insight» журнали бош муҳаррири (Покстон): «Президент Ислам Каримовнинг "Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топширишига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс

Барбара Потрата, Кембриж университетининг Марказий Осиё бўлимидаги форуми эксперти (Буюк Британия): «Фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганар экансан, жамоат институтлари босқичма-босқич ташкил этилиб, барқарорлашган, сиёсий, жумладан, сай-

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўйбга чиқишига кўмаклашадиган» деган таърифи барча хорижий экспертлардан алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Дарҳақиқат, қайд этилган масалалар Ўзбекистонда сайлов жараёнида фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида устувор масалага айланган.

Талха Балик, «Босфор» газетаси бош муҳаррири (Туркия): «Давлат сайловларида фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш орқали фуқароларнинг қўлаб масалаларини ҳал этишда иштирокчини кенгайтириш имконини беришнинг гувоҳи бўлдиқ. Шуниси эътиборлики, мамлакатимизда фуқаролик жамияти билан давлатнинг яқин ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Мамлакатда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. Сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро нормаларга мос келадиган самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Яқил, мустақил сайлов комиссиялари тизими ташкил этилган. Қонунчилик сиёсий партиянинг сайлов уштакларидида овозларини санаш, имзо варақаларининг тўғри тузилганини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга ваколатли вакиллик институти киритилган».

лов жараёнида фаол ва самарали иштирок этиш олади, деган хулосага келасан киши».

Налин Кумар Мохапатра, Ж. Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби эксперти (Хиндистон): «Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари хотин-қизлар, экология, ёшлар, тадбиркорлик ва бошқа қўллаб муаммоларини маҳаллий ҳамда республика даражасида ҳал этиди. Мамлакатимизда ижтимоий қурилиш тажрибасини ўрганиш шундан далolat берадики, маҳалла институтига алоҳида ҳуқуқий мақом бериш билан бир қаторда, уни ривожлантириш учун зарур муҳитни ҳам яратди. Шу тўғрисида маҳалла қатор масалаларни ҳал этиш борасида ташаббускорлик кўрсатади. Яна шуниси муҳими, бу борада миллий анъаналар ва умумэтироф этилган демократик тамойиллар ҳам ҳисобга олинади. Бугун фуқаролар йиғинларини ҳақли равишда демократик ислохотлар ривожлантириладиган ижтимоий пойдевор, дейиш мумкин. Буларнинг барчаси бошқа мамлакатлар учун ибрат бўлиб хизмат қилади».

Богдана Бабиц, Амалий сиёсат институти директори (Украина): «Ўзбекистонда Нодавлат нотижор ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб

қуватлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини ташкил этиш тўғри қарор деб ҳисоблайман. Бу орқали жамоат ташкилотларининг мустақиллиги, уларга ажратилаётган давлат маблағларини ҳолис тақсимлаш таъминланмоқда. Эко-

харакатта экологик муаммоларни парламент даражасида ҳал этиш учун ўзига хос имкониятлар берилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Давлат шу тарихда ўз фуқароларининг саломатлигини ҳам фаошқдорлигини тасдиқламоқда, бу эса бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади. Бундан ташқари, ташаббускор гуруҳлардан номзодлар қўрсатишни беркур қилиш, менимча, сиёсий партиялар ролни ва масъулиятини қучайтириш борасида навбатдаги қадамдир».

Минори Окочи, Нағоя шаҳри университетининг юридик факультети доценти (Япония): «Экоҳарақат учун депутатлик квотасини жорий этиш минтақадиги мураккаб экологик вазиятга сабабли жуда зарур эди. Энди ушбу ҳарақат мамлакат олий қонунчилик органида сиёсий партиялар каби ҳуқуққа эга бўлади. Бу, ўз навбатида, экология ва саломатлик масалаларини янада самарали ҳал этиш имконини беради».

Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ): «Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга таширфим давомиди демократиянинг сиёсий пойдевори, қучли фуқаролик жамияти институти ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда қўллаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов

чоғида мен мамлакат пойтахтининг унутилмас чироғига мафтун бўлганман. Кенг қўчалар, шаҳарнинг ободлиги, миллий меъморчилик жозибаси, анъанавий ва замонавий бинолар ва ҳоказолар мени бениқош лол қолдирган.

Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг собик спикери Ли Ман Соп Президент Ислам Каримов ва бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан табриклаб, муваффақиятлар ва раванқ тилади.

— Бундан 18 йил муқаддам, аввалбосданок тўғри танланган мустақил тараққиёт йўли тўғрисида Ўзбекистон улкан натижаларга эришди. Дунёнинг қўллаб мамлакатлари бошдан кечираётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамадан, Ўзбекистон ишончли иқтисодий ўсиш суръатини, демократия тамойилларини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини тобора юксалтиришни намоиш этмоқда, — деди у.

Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам муносабати билан сўзланган маърузасида, Ўзбекистон халқининг қатъиятли экани, у ўз олдига қўйган мақсаддан ҳеч қачон воқеа кечмаслиги ва бор қуч-ғайратини бундан бозун ҳам ривожланган демократик ва тараққий этган давлат барпо этиш йўлида сафарбар этади, деган сўзлари Ли Ман Сопни жуда тўқилантирган.

У Президент Ислам Каримовнинг барча қўйинчилик ва азоб-уқубатларни мардонвор енгиб ўтган метин иродили, ўз аждодларидан бой маънавий ва маданий анъаналарини мерос қилиб олган, ўз мамлакатидида тинчлик ва хотиржамлиқ ҳукм суришини ниҳоятда юксак қадрлайдиган Ўзбекистон халқи ўзига муносив бўлган янги ҳаётни яратади, деган фикрини маъқуллайдди.

Миллий ассамблея депутати Ким Ён Гу Ўзбекистондаги жадал ўзгаришлар, айниқса, мамлакат пойтахти ўзининг 2200 йиллик юбилей арафасида байрамона либосга бурканиб, ўзига хос тантанаворлик ва кенг миқёс касб этганидан жуда завқланганини айтиди.

Ким Ён Гунинг таъкидлашича, у илгари ҳам Ўзбекистонга бир неча бор келган бўлиб, мамлакатимиз жамоли уни ҳар гал янгитдан ҳайратга солади. «Зеро, — дейди у, — юртингиз ҳар гал янгича товланиб, ўзининг севқирра ва бетакорлиги билан кишини лол қолдиради. Тошкентнинг янгиланган қиёфаси ва унинг энг замонавий технологиялар асосида яратилган инфратузилмаси, шаҳардаги табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабат

ЖАҲОН 24 соат ичида

Поездлар тўқнашуви

Германиянинг Саксония федерал ерида йўловчи поездлари бир-бирига тўқнашиб кетди.

"Der Spiegel" нашрининг маълум қилишича, фалокат Радебойль ва Морицбург-Фридевальд шаҳарлари ўртасидаги темир йўлда юз берган. Оқибатда 52 киши оғир тан жароҳати олган. Шунингдек, ҳар икки поезд вагонлари ва локомотиви жиддий шикастланган. Темир йўл ҳодисаси бир миллион евро миқдорда иқтисодий зарар келтиргани тахмин қилинмоқда.

Ҳозирча ушбу бахтсизликка нима сабаб бўлгани аниқ эмас. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Айбланувчи касалхонада ушланди

Италияда мамлакатнинг энг хавфли ўттиз жиноятчиси рўйхатида турадиган қонунбузар ҳибсга олинди.

Кармело Барбаро исмли бу жиноятчи Калифорния шаҳридаги касалхоналардан бирида ушланган.

61 ёшли қонунбузар Калифорния жиноий гуруҳи аъзо-

Ҳаводан зарбалар берилди

АҚШ ҳарбий кучларига тегишли учувчисиз бошқариладиган самолёт орқали Покистоннинг Шимолий Вазиристон вилоятидаги жангариларга жойлашиб олган худудларга ҳаводан зарба берилган.

Ҳужум чоғида жангарилар кетаётган машина аниқ нишонга олинган. Натижада тўрт нафар босқинчи йўқ қилинган. Бошқа бир манбада эса, улар яралангани маълум қилинган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, АҚШ ҳарбий самолётлари 2008 йилдан буён Покистон худудида ама-лиёти тўзалаш амалиётлари ўтказиб келмоқда. Жорий йилнинг август ойида амалга оширилган бу каби тадбир пайтида "Толибон" жангарилар гуруҳининг Покистондаги етакчиси Байтулла Махсуд йўқ қилинган. Сўнгги вақтларда бундай амалиётлар Покистоннинг кескин эътирозига сабаб бўлмоқда. Расмий Исломобод томонидан билдирилишича, мамлакат армияси ўз худудида жангариларга қарши мустақил курашиш салоҳиятига эга экан.

Антиқа беллашув

АҚШнинг Цинциннати шаҳрида 100 метр масофага югуриб бўйича ҳайвонлар ўртасида янги жаҳон рекорди қайд этилди.

Бу ҳақда "The Evening Standard" нашри хабар тарқатди. Маълум бўлишича, ушбу антиқа беллашувда гепард 100 метрлик масофани 6,13 сонияда босиб ўтиб, энг юқори кўрсаткичга эришган.

Келишув шarti ошкор қилинмади

Англиянинг "Ливерпуль" футбол клуби "Standard Chartered Bank" банки билан ҳоимийлик шартномаси имзолади.

"Associated Press" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, ҳозирча томонлар келишув шартларини ошкор қилишмаган. Лекин баъзи норасмий манбаларда клуб ва банк ўртасидаги битимнинг қиймати 80 миллион фунт стерлингга тенг эканлиги айтилмоқда. Яъни банк тўрт йил мобайнида ўз рамиш "Ливерпуль" либосида акс этиб туриши учун клуб газнасига шунча миқдордаги пулни ўтказиб беради.

Худди шу қийматдаги келишув жорий йилнинг июнь ойида "Манчестер Юнайтед" клуби ва "Аоп" компанияси ўртасида ҳам тузилган.

Энг юққа ноутбук

Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур "Dell" компаниясининг янги турдаги ноутбук компютери кўпчиликнинг эътиборига тушди.

ноутбукнинг қалинлиги бор-йўғи 9,99 миллиметрни ташкил этади. Бу эса яъни пайтгача дунёда ишлаб чиқарилган шу турдаги маҳсулотнинг энг юққаси ҳисобланади.

Унинг техник имкониятлари ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Эслатиб ўтамиз, компания жорий йилнинг бошларида 16,5 миллиметрни ноутбукларни на-моиш этганди.

Гап шундаки, "Adamo XPS" дея номланган мазкур

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнесни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инкирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани аниқ мўддао бўлди. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бирга, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

ТАДБИРКОР — ЮРТ РАВНАҚИНИНГ ТАЯНЧИ

Тадбиркорлик субъектлари вакиллари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этган мазкур тадбирда, шунингдек, берилган саволларга банк, молия, адлия идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мутаассиди вакиллари жавоб қайтарди.

Жумладан, Навоий шаҳридаги "RIKOM" МЧЖ бош бухгалтери Д. Шаронова ушбу корхонага мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёз 2009 йилнинг 15 ноябрда туғашини билдириб, корхона мулк солиғини жорий йилнинг ноябрь ойиданми ёки декабрь ойидан тўлаши кераклигини тўғрисида савол билан мурожаат қилди. Бу саволга қуйидаги жавоб берилди: "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 268-моддасига биноан, солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охириг кундаги ҳолатга кўра, солиқ олиш объектиларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўйишдан олдин сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ор-

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Навоий вилоятида ташкил этилган тадбиркорлар билан учрашув аниқ шу масалалар ижросига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев солиқ сибёсатининг асосий йўналишлари, тадбиркорларга берилган солиқ имтиёзлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлашда ушбу имтиёзларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида батафсил маълумот берди.

Солиқ тизими

вазирлигида 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатга олинган "Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Ни-

зом"нинг 12-бандига мувофиқ эса, банк пластик картчалари орқали тўловлар амалга оширилганда, товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асосидан равишда оширилганга йўл қўйилмайди. Шунга биноан, харидор томонидан савдо нуктасида маҳсулот харид қилинганда, нақд пул билан пластик картча ўртасидаги нарх-навода фарқ бўлиши мумкин эмас.

"Кармана оқсалши" хусусий фирмаси бош ҳисобчиси М. Баракаев корхона томонидан ходимнинг фарзанди ўқиши учун тўланган суммадан Пенсия жағғармасига ижтимоий тўлов ва 3,5 фоизли бадал ҳисоблангани тўғрисида тушунча беришни сўради. Унга шу тарзда жавоб берилди: "Ўзбекистон Респуб-

ликаси Солиқ кодекси 171-моддасининг иккинчи қисмига биноан, юридик шахслар томонидан талабаларнинг таълим олиши учун, агарда қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пуллик-контракт асосида ўтказиладиган тўловлардан ягона ижтимоий тўлов асосида ўтказиладиган тўловлардан ягона ижтимоий тўлов ва сўғурта бадал ҳисобланмайди.

Тадбирда, шунингдек, Навоий шаҳар "Быт сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р. Батирбаев қуйидаги савол билан мурожаат қилди: масъулияти чекланган жамиятга қарашли автомобиллар тўхташ жойлари мавжуд бўлиб, шу пайтгача ягона солиқ тўлови тўлаб келинган. Навоий шаҳар ДСИ томонидан ўтказилган камерал назорат натижаси бўйича масъулияти чекланган жамиятга ёзилган талабномага асосан, ушбу фаолиятдан жамият ягона солиқ тўлови эмас, балки қатъий белгиланган солиқ тўлаши билдирилган. Бироқ жамият тўлов тўловдан ушбу фаолиятдан ҳисобланган қатъий солиқ суммаси фаолиятдан олинган жами тушумдан 2-3 баробар ошиб келмоқда.

Учрашувда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мустақил баҳоловчи компанияларнинг қуйидагиларнинг мулкни баҳолаш (бугунги кундаги бозор қийматини белгилаш) учун танловда иштирок этишга таклиф этади:

«Янгиқўрғон шароби» МЧЖ (бинолар ва ишхоналар, ускуналар, Наманган шаҳри);

«Косонсой текстиль» МЧЖ (бинолар ва ишхоналар, ускуналар, Наманган шаҳри).

Тижорат таклифларини 21 сентябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй, банкнинг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаменти.

Телефон: 234-11-22 (Маҳмудов Комолиддин), факс: 234-44-38.

Kmkahmudov@central.nbu.com
Dsoatmurodov@central.nbu.com

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан «Jizzax elektr tarmoqlari» OAJ танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Жиззах шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган худуд: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри.

Танлов ташкилотчиси — «Jizzax elektr tarmoqlari» OAJ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритиладиган худудида электр энергияси учун пул маблаглари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият худудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Жиззах шаҳри, Садовая кўчаси, 60-уй. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати туғагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати — 2009 йил 12 октябрь соат 18.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати — 2009 йил 13 октябрь соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг худудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусخаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ

маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

- инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотномаси;
- инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида худудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Jizzax elektr tarmoqlari» OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 2021000000304459002, АТИБ «Ипотекбанк», МФО: 00122, СТИР: 200344721, ХХТУТ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: **Жиззах шаҳри, Садовая кўчаси, 60-уй, «Jizzax elektr tarmoqlari» OAJ. Мулоқот учун телефон: (8-372) 222-36-57.**

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорига сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорига бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати туғагунга қадар ҳар кун маҳаллий вақт билан (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

ТРАНСАЭРО ЯНГИЛИГИ

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР:

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, КРАСНОДАР, ХАБАРОВСК, ЮЖНО-САХАЛИНСК, ВЛАДИВОСТОК, ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ

ТОШКЕНТ — МОСКВА

Янги «Boing-737-800 Next Generation» самолётида

ТАЛАБАЛАРГА МАХСУС ТАКЛИФ:

ГЕРМАНИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, КИПР, ЕШААР УЧУН ЙИЛЛИК ТАРИФ

* Тўлиқ маълумотларни авиачипта сотувчи агентлардан олиш мумкин.

Тел.: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

Аккредитация сертификати № 210.

www.transaero.ru

«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ

Балиқ, парранда, қорамолларни боқиб учун тайёрланган, дондор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёларни (ингредиентларни) С О Т А Д И.

Дон маҳсулотлари: макжаҳхори, бугдой, арпа, соя шрот, кунгабқор шрот ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентларни) С О Т И Б О Л А Д И.

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри. Телефонлар: (998 71) 215-51-52, (998 93) 184-67-45. Факс: (998 71) 233-18-12. E-mail: chzrgk@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим А. А. Амановга оидан

Зайнаб ая ОСТОНОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Гулистон давлат университетини жамоаси Умумий биология кафедраси профессори, биология фанлари доктори, Ўзбекистон фан аربоби

Ильгизар Зайнабович АХМЕТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Муҳаммадҷон Азимовга оидан

Зокрижон АЗИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

PP «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»

ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

СКИДКИ ОТ ОБЪЕМОВ.

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОННЫЕ РАБОТЫ.

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

www.pipeline.uz

Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амри Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шахматхур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАЗЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2005@yandex.ru

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аббос Атоев Милан рингларидagi дастлабки жангида ганалик Аҳмед Саракунни 16:4 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи боскичда эса япониялик боксчи Кентаро Хаяши билан куч синашди. Ушбу баҳс бор-йўғи бир раунд давом этди. Гап шундаки, Аббоснинг кетма-кет берган кучли зарбаларини ўтказиб юборган кунчиқар юрт вакили нокаут ҳолатига тушиб қолди. Бу вақтда таблода 2 дақиқаю 28 сония қайд этиб турилганди. Ҳамюртимиз кейинги боскичларда Ямагучи Флорентино (Бразилия), Константин Буга (Германия), Кумар Вижендер (Хиндистон)ни маълумиятга урғатиб, финалга етиб келди. Сунги баҳсда Аббосни янада жиддий рақиб, 2008 йилги жаҳон кубоғи соҳиби, арманистонлик Андраник Аюпян кутиб турганди. Икки тажрибали боксчи жангида вакилимиз хар томонлама кучли эканлигини намойиш этиб, 9:0 ҳисобида ишончли ғалабага эришди. Шундай қилиб, Аббос Атоев иккинчи бор жаҳон чемпиолигига қўлга киритди. Милан шаҳридаги муҳташам спорт мажмуасида музаффар спортчимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради.

2004 йилги ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осийб ўйинлари ва бошқа нуфузли мусобақалар ғолиби Элшод Расуллов ва сафар 81 килограмм вазн тоифасида ўз омадини синаб кўрди. У бундан олдин 75 килограмм вазнда



рингга чиқарди. Шунга қарамай, у ушбу вазн тоифасида ҳам сайёрамизнинг энг кучли боксчиларидан бири эканлигини намойиш этди. Элшод финалгача бўлган баҳсларда Ндере Жюша (Кения), Жильберт Кастильо Ривера (Доминикан Республикаси), Рене Краусе (Германия), Абдулқодир Буэнья (Франция) устидан сафар кўчди.

Финалда эса россиялик тажрибали боксчи Артур Бетербиевга қарши рингга чиқди. Ушбу беллашувда Элшод

ғалабага яқин турганди. Учинчи раундгача ҳисобда олдинда бораётган юрдошимиз сунги дақиқаларда рақибининг зарбаларини ўтказиб юборди ва яқунда 10:13 ҳисобида имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, Баҳодиржон Султонов (57 кг.) ва Ботиржон Маҳмудов (69 кг.) жаҳон чемпионатининг бронза медаллари соҳиби бўлишди. Шунингдек, лозимки, эндигина ўн тўққиз ёшга кира-

шлаган Ботиржон Маҳмудов келгуси мусобақаларда бундан-да йирик натижаларга эришиши кутилмоқда. Чунки чемпионат давомида Ботиржон тезкорлиги, рақибига давомли ва кучли зарба йўллай олиши билан муҳлису мутахассислар назарига тушди. Ўзбекистон боксининг келажиги сифатида эътироф этилаётган Санжарбек Раҳмонов (64 кг.), Шаҳриёр Исоқов (51 кг.), Рамз Аҳмедов (91 кг.) гарчи совриндорлар сифатидан жой эгаллашмаган бўлсалар-

да, жаҳон чемпионатидан катта тажриба орттириб қайтишди.

Жаҳон чемпионати якунида Россия боксчилари умумжамоа ҳисобида 2 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медаллари билан итинчи ўриндан жой олди. Ўзбекистон ва Куба терма жамоалари 1 тадан олтин ва кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритиб, учинчи ўринни банд этишди. Украина, Муғулистон, Пуэрто-Рико, АҚШ ва Арманистон терма жамоалари ҳам кучли ўликдан жой олишди. Агар Элшод ҳам финалда сафар кўчганда эди, вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда қайд этиларди. Насиб қилса, келгуси мусобақаларда спортчиларимиз ана шу маррани ҳам забот этишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, чемпионатда қўпична кучли ўликдан жой олиб келадиган Қозғистон терма жамоаси эришган натижа катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу сафар ушбу юрт вакиллари бор-йўғи битта бронза медали билан қийналарига мажбур бўлишди. Унга икки қарра жаҳон чемпиони Серик Сапиев (69 кг.) сазовор бўлди.

Кеча Тошкент халқроқ аэропортида ғолиб спортчиларимизни тегишли вазирил ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, муҳлислар кутиб олди.

Эндулло ЖОНИБЕКОВ.



ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЖАҲОН КУБОҒИ СОҲИБИ

Германиянинг Зальцгиттер шаҳрида батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг тўртинчи босқич мусобақалари якунланди.

Турнир дастуридаги батутда синхрон сакраш баҳсларида Пекин Олимпиадасида бронза медали совриндори Екатерина Хилько ва тажрибали спортчимиз Анна Савкина юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Улар 46,10 балл тўплаб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Эслатиб ўтамай, бундан олдин Польшада ўтган учинчи босқичда Екатерина Хилько ва Анна Савкина жуфтлиги учинчи ўринни эгаллаганди.

Маълумки, телекоммуникация технологияларини қўллаш ишлаб чиқаришни бошқариш савиясини оқсатиришни энг мақбул йўлларида биридир. Бунда бизнес жараёни мувофиқлашди, қўл меҳнати қисқариб, молиявий йўқотишлар камаяди. Шу нуқтани назардан қараганда, агар бирор-бир давлатда ў ёки бу тармоқ ёхуд алоҳида корхоналар рақобатбардошликка интилаётган бўлса, улар учун ўз фаолиятларида замонавий телекоммуникация тизимидан фойдаланиш зарурати тугилади.

ИНТЕГРАЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ

«Информтехника» компаниясининг «МиниКом» бренди остидаги махсулот ва ечимлари нафақат Россия, балки МДҲ ва ўзоқ хориж мамлакатларида ҳам аллақачон тан олинган бўлиб, уларга талаб тобора ошмоқда. Компаниянинг усунуларидан энергетика ва нефть мажмуалари алоқа тармоқларида, «РЖД» ва «Газпром» оқиқ акциядорлик жамиятларида муваффақиятли фойдаланилаётгани, Россия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан фаол ҳамкорлик қилинаётгани шундан далolat беради.

Нефть-газ тармоғига оид йирик лойиҳалар ҳақида гапириладиган бўлса, Болтиқ трубопровод тизими, Шарқий Сибирь — Тинч океани нефтьпровод (ВСТО), «НадимГазпром» каби бир қатор объектларни тилга олиб ўтиш жоиз. Балақов АЭСи, Бушер (Эрон) вилоят

монавий даражасига қўтарилиш имконини беради. Агар буюртмачиларда «МиниКом» усунуларини ишлатишда муаммо туғилса, туну кун ишлайдиган сервис ёрдами марказига қўнғироқ қилишнинг ўзи қифоя.

Собик Иттифок худудидаги мамлакатларда ҳақиқат шакланган ва салохияти мижозлар учун яна бир муҳим жиҳат бор. «Информтехника»нинг ишлаб чиқувчи мутахассислари «МиниКом» асбоб-усунуларини яратишда иккита муҳим жиҳатни ҳисобга олишди. Биринчиси — техника пухта йўлга қўйилган ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри киришиб кетиши керак. Иккинчи жиҳат шуки, эски асбоб-усунуларини алмаштириш учун маблағлар аста-секин келади. Компания усунуларни идораларнинг алоқа тизимлари билан тўла уйғунлашиб, аъло даражада хизмат қилади.

Секин-аста, яъни тармоқ инфратузилмасининг қурилиши ва янги асбоб-усунулар харид қилиш учун маблағ тушишига қараб, абонентларни рақамли хизмат кўрсатиш тизимига ўтказиш мумкин. Шу тарзда асосий вазифалар ҳам ҳал этилади. Яъни алоқа сифати яхшиланади ва молиявий ресурслар чекланган шароитда ҳам идораларнинг алоқа тармоқларини режа асосида, секин-аста модернизациялаш мумкин.

Барқарор ривожланиб бораётган «МиниКом DX-500» телекоммуникация платформаси «Информтехника»нинг асосий махсулоти бўлиб, у фойдаланувчиларга замонавий телекоммуникация хизматининг тўлиқ мажмуасини тақдим этади. Булар оdatдаги ва IP-телефония, маълумот ҳамда видеоахборотларни узатишдир. Станция теграсида идораларнинг алоқа тармоқлари учун зарур бўлган барча воситалар жам қилинади. DECT андозасининг микроуяли алоқа тизими, TETRA андозасининг профессионал транкин алоқа тизими, мажлисларнинг рақамли алоқа тизими, қўл хизмати рақамли коммутатори, алоқа тармоқларининг мониторинг ва маъмурият тизими, қаттиқ овозли ва қўмондонлик-қидирув алоқа тизими шулар жумласига кирди.

«МиниКом» туркумидаги платформа бутун жаҳонда, шу жумладан, Ўзбекистонда кенг қўламда қўлланилмоқда. Уларнинг сифати ва ишончилиги Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан яхши баҳо олди. Таъкидлаш жоизки, бошланган ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун етарли имконият мавжуд.

«Информтехника» компанияси раҳбарияти ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг ривожини жадаллашувига туртки бериш, шунингдек, техник кўмак бўйича хизматни такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очишга қарор қилди. Ваколатхонанинг очилишига бағишланган тақдиримат маросими 16 сентябрь куни «Дедемани» меҳмонхонасининг мажлислар залида ўтказилди.

Малика ОБИДОВА.

Қадимдан хурмо, руста (данак, бодом магзининг шакарлангани), парварда, туршак, баргак, пашмак, қаймоқ ва нишолда дастурхонимизга кўрк бериб келган.

ҚУВВАТБАХШ НЕЪМАТ

Айтишларича, нишолда тайёрлашда ишлатиладиган чилчўп қобиғидан тозаланган текис беҳи новдаларидан дастакланиши лозим.

Билиб қўйган яхши

Одатда қиём тайёрлангач, маълум муддат совитиб қўйилади. Етмак илдири дағал пўстлоқларидан тозаланиб майдалангач, сувда қайнатилади. Чамаси 15 дақиқа қайнатилганидан сўнг шарбати сузиб олинади. Идишдаги етмак шарбати илдиқ холга келгач, унга тухумнинг оқи солиниб, чилчўп ёхуд миксер билан обдан аралаштирилади. Ушбу жараён кўпчилик, кўпичка айланаётган махсулотга муттасил равишда

қиёмдан оз-оз солинган холда қовушқоқ, қаймоқсифат тусга киргунича давом эттирилади.

Шунингдек, одамни тинчлантириб, унга қувват бахш этади.

Нишолда тайёрлаш учун 0,5 кг. қанд, 0,5 литр сув, бир чимдим лимон кислотаси, 2 та тухум оқи, 20 грамм етмак керак бўлади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

O'ZBEKTELEKOM AKTIVDORLIK KOMPANIYASI

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

барча ҳамюртларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан самимий муборакбод этади.

Юртимизда шоду хушрамлиқ ва улкан тантаналар билан нишонланадиган шубҳу байрам ҳар бир хонадонга бугунгидан-да зиёда тўқинлик, фаровонлик, қувонч ва шодлиқлар бахш этсин.

Хармиша юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Шу билан бирга, компания юртимиз аҳолисига байрам тухфаси сифатида жорий йилнинг 1 сентябридан амалга киритилган

«АЛЬТЕРНАТИВ»

тариф режасини тақдим этади.

Мазкур тариф режасига мувофиқ, республика худудида шаҳарлараро сўзлашувлар учун ягона тариф —


1 дақиқасига 20 сўм миқдорига белгиланди.

«Альтернатив» шаҳарлараро сўзлашув учун куйдаги тартибда рақамлар терилиб шаҳар тармоғига боғланиш мумкин:

8 - 12 - XXX (вилоят коди) XXX XX XX (абонент телефон рақами).

Ушбу махсус тариф режаси шу йилнинг 1 декабрига қадар амал қилади.

Батафсил маълумотлар компаниянинг www.uztelecom.uz сайтыда ёритилган.



Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО (15 сентябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 14-19, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузилмайди. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қузилмайди. Тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Харорат кечаси 12-14, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

«Узгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

9.00 дан 18.00 гача **233-10-60**
236-09-25
232-10-63
242-хона

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўтқир **РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Т — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳриратта келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб, Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т—Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Тошпирилди — 00.35

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусахҳах — С. Исмоилов.

1235